

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

# Пул бозори ва ликвидлик шарҳи

2023 йил IV чорак



## Кириш

2023 йилнинг IV чорагида банк тизими умумий ликвидлиги турлича динамика касб этиб, дастлабки икки ойда **пасаювчи тенденция** давом этган бўлса, декабрь ойида ҳукумат харажатларининг мавсумий ортиши таъсирида ўсиш кузатилди. Натижада, ликвидликни жалб этишда Марказий банк облигациялари эмиссияси қайта тикланди ва депозит операцияларига бўлган талаб ҳам маълум даражада кўпайди.

Шунингдек, чорак давомида банклараро РЕПО операциялари ҳажми 21,2 фоизга ошиб, ликвидликни бошқаришда **гаров мулкига бўлган талабнинг** ортиши билан изоҳланади. Умумий ликвидликнинг ошиши ва банклараро РЕПО операцияларининг фаоллашиши гаровсиз пул бозорида депозит амалиётлари ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлди.

Банклараро РЕПО ва пул бозорларидаги операциялар бўйича ўртача фоиз ставкалари бир-бирига яқин шаклланиб, қисқа муддатли ликвидликнинг **реал бозор нархини** ўзида акс эттирмоқда. Бунда, UZONIA фоиз ставкаси чорак давомида тўлиқ фоиз коридори доирасида бўлиб, унинг асосий ставкадан тафовути минималлашиб борди.

Ўз ўрнида, ҳукумат қўшимча харажатларининг, асосан, чорак давомида жалб этилган ташқи қарз манбаларидан молиялаштирилиши ҳамда январь-октябрь ойларида бюджет параметрларида белгиланган ҳажмда облигациялар эмиссия қилинганлиги ҳисобига сўнгги 2 ойда ички бозорда давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқармади.

Келгуси чоракда банк тизими умумий ликвидлигида **профицитнинг сақланиб қолиши** кутилаётган бўлиб, январь-февраль ойларида ҳукумат харажатларининг мавсумий камайиши, нақд пул маблағларига бўлган талабнинг маълум даражада қисқариши тахмин қилинмоқда. Бунинг натижасида, Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларига бўлган талабнинг маълум даражада ортиши ҳамда банклараро пул ва РЕПО бозорларида амалиётлар ҳажмининг мувозанатлашиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, пул-кредит сиёсати операцион механизмини ривожлантириш борасида декабрь ойида **банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш** мақсадида қатор ўзгаришларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳам ўз самарасини бериши тахмин қилинмоқда.

## 1. Банклараро пул ва РЕПО бозори таҳлили

### 1.1. Пул бозорлари динамикаси ва фоиз ставкалари

2023 йилнинг IV чорагида пул бозорида жами **52,3 трлн.** сўмлик операциялар амалга оширилиб, олдинги чоракка нисбатан **қарийб 2 баробарга** камайган (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 фоизга кўп*). Пул бозорида гаровсиз амалиётларнинг қисқариши, асосан, банк тизимида умумий ликвидликнинг ортиши ва РЕПО операцияларининг фаоллашиши билан изоҳланади (1-расм).

Хусусан, чорак давомида банклар ўртасида **31,9 трлн.** сўмлик ёки III чоракка нисбатан **21,2 фоизга кўп** РЕПО операциялари амалга оширилди (2-расм). Банклараро РЕПО бозоридаги юқори фаоллик эҳтимолий кредит хатарини минималлаштириш мақсадида ўзаро операцияларда **гаров мулкига бўлган талабнинг ортиши** ҳамда бозор инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чоралар билан боғлиқ.

Натижада, пул бозоридаги жами операцияларда РЕПО амалиётларининг улуши III чоракдаги **20 фоиздан** сўнгги чоракда **38 фоизгача** кўпайди. 2024 йил учун бюджет параметрларига мувофиқ, давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмининг ортиши кутилаётган бўлиб, бу ўз навбатида, пул бозорида РЕПО операциялари улушининг янада ортишига имкон беради.

1-расм. Банклараро пул бозори ҳажми ва фоиз ставкаси, трлн. сўм



2-расм. Банклараро РЕПО бозори ҳажми ва фоиз ставкаси, трлн. сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Банклараро пул ва РЕПО бозорларидаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари мос равишда **14,8** ва **14,6 фоизга** тенг бўлди ва бир-бирига яқин даражада шаклланиб борди. Бунда, РЕПО бозори фоиз


ставкасининг биров пастлиги **гаров мулки** ҳисобига кредит (*қайтмаслик*) хатарининг пастлиги билан ифодаланади.

Чорак давомида UZONIA ставкаси тўлиқ фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин шаклланди ва ўртача **14,0 фоизни** ташкил этди (*3-расм*).


UZONIA ставкаси ҳар ойнинг сўнги иш кунларидаги тебранишларни инобатга олмаганда йиллик **14,0 фоиз** даражасида ўзгаришсиз шаклланаётган бўлиб, бу банкларнинг қисқа муддатли ликвидлик нарҳини белгилашда, асосан, олдинги кун кўрсаткичларидан мўлжал сифатида фойдаланиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, UZONIA ставкасининг **Марказий банк асосий ставкасидан тафовути** чорак давомида минимал даражада шаклланди ва бу банк тизими умумий ликвидлиги динамикасига боғлиқ. Хусусан, тизимда сезиларди даражада қўшимча ликвидлик мавжудлиги сабабли UZONIA йил бошида асосий ставкадан **1 фоиз бандга паст** шаклланган бўлса, декабрь ойида ушбу тафовут **0,02 фоиз бандгача** қисқарди (*4-расм*).

**3-расм. UZONIA бенчмарк ставкаси динамикаси, фоизда**



**4-расм. UZONIAнинг асосий ставкадан тафовути ва ликвидлик ҳолати**




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

UZONIA ставкасининг ўртача **14 фоиз** атрофида шаклланилиши турли муддатли UZONIA фоиз ставкаларининг ҳам кумулятив ҳисобда ушбу даражага яқинлашишига хизмат қилмоқда. Бунда, Марказий банк асосий ставкасининг сўнги ўзгартирилиши 2023 йилнинг март ойига тўғри келиб, фоиз ставка ўзгариши таъсири 180-кунлик UZONIA фоиз ставкасидан ҳам чиқиб кетган (*5-расм*).


Банклараро пул бозорида овернайт (1 кунлик) операциялар бўйича ўртача фоиз ставкаси UZONIAда акс этганидек 14 фоиз даражасида шакланган бўлса, нисбатан **узоқроқ муддатли** амалиётлар бўйича фоиз ставкалари юқориликча қолмоқда (6-расм). Бунда, ушбу амалиётлар **сонининг камлигини** (хусусан, декабрь 1 та муддати 90 кундан юқори бўлган операция амалга оширилган) ва фоиз ставкалари **етарлича репрезентатив эмаслигини** таъкидлаш лозим.

Нисбатан узоқроқ муддатли амалиётлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги тижорат банклари томонидан **кредит ва ликвидлик хатарини** баҳолашдаги муаммолар билан боғлиқ бўлиб, банкларнинг пул бозорида доимий равишда **ликвидлик топа олишга бўлган ишончи пастлиги** билан ҳам изоҳланади.

**5-расм. Муддатли UZONIA фоиз ставкалари динамикаси**



**6-расм. Пул бозоридаги муддатлар кесимидаги фоиз ставкалари**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Бироқ, банклараро пул бозорларида операциялар ҳажми кескин ошиб, 2023 йилда иккала бозорда 2022 йилга нисбатан **2,6 баробарга** ва 2021 йилга нисбатан **3,9 баробарга** кўп, жами **387 трлн.** сўмлик амалиётлар кузатилди.

Пул бозорида фаолликнинг янада ошиб бориши келгусида банкларнинг зарур пайтда ликвидлик топа олишга бўлган ишончининг ортишига ва мос равишда қисқа муддатли ликвидлик нархининг мувозанатлашиб боришига хизмат қилади.

Ушбу йўналишда Марказий банк доимий равишда тегишли чораларни кўриб бормоқда ва банкларнинг ликвидликни бошқариш самарадорлигини ва пул бозорлари фаоллигини ошириш орқали асосий ставка бўйича қабул


қилинаётган қарорларнинг **банк тизимига трансмиссиясини яхшилаш** асосий вазифалардан ҳисобланади.

## 1.2. Банклараро пул бозори сегментацияси

Банклараро пул бозоридаги операцияларнинг асосий улуши **овернайт депозитларга** тўғри келиб, уларнинг жамидаги улуши IV чорақда **74 фоизни** ташкил этди (III чорақда 77,2 фоиз).

Шунингдек, чорақ давомида муддати 2-7 кунлик депозитлар улуши 14,7 фоиздан **12,2 фоизгача** қисқарган бўлса, 8-30 кунлик депозитлар улуши 6,3 фоиздан **10,1 фоизгача** кўпайган (7-расм). Нисбатан узоқроқ муддатли депозитлар кўп ҳолларда **ликвидлик нормативларини** бажариш мақсадида жалб этилган.

7-расм. Пул бозори операцияларининг муддатлар бўйича улуши



8-расм. Пул бозори бўйича “Herfindahl-Hirshman” индекси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Чоракнинг дастлабки ойларида умумий ликвидлик ҳажмининг қисқариши билан Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларига талаб қисқариб бориб, ноябрь ойида Марказий банк (сўнги йилларда илк бора) **ликвидликни соф тақдим этувчи** бўлди ва кунлик ўртача тафовут **350 млрд.** сўмга тенг бўлди.

Бироқ, декабрь ойида умумий ликвидлигининг яна кўпайиши фонида Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш ва тақдим этиш операциялари ўртасидаги кунлик ўртача ижобий тафовут **2,4 трлн.** сўмни ташкил этди.

Банклараро пул бозори самарадорлигини баҳолашда иштирокчиларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. IV чорақда пул бозорида депозит жойлаштирувчи ва жалб этувчи банклар сони бирдек **17-18 тани** ташкил этди. Бунда, пул бозорининг ҳар иккала сегментида иштирок этаётган банклар ҳиссасига банк тизими умумий активларининг

қарийб **98 фоизи** тўғри келиб, ликвидликнинг тизимда самарали қайта тақсимланишига хизмат қилмоқда.

Пул бозорининг депозит жалб этиш ва депозит жойлаштириш сегментларида энг фаол 3 та банкнинг улуши бирдек ўртача **56 фоизга** тенг бўлди. Бунда, жалб этувчи фаол банклар улуши олдинги чоракка нисбатан ўзгармаган бўлса, жойлаштирувчи банкларда қисқариш кузатилган (*III чоракда 66 фоиз*).

Бозорнинг **концентрациялашув даражасини** ифода этувчи “Herfindahl-Hirshman” индекси<sup>1</sup> асосидаги ҳисоб-китобларга кўра (*8-расм*), декабрь ойида пул бозорининг жалб этувчи сегментида концентрациялашув даражаси **1 660 га** ва жойлаштирувчи сегментида **1 736 га** тенг бўлган. Бу эса пул бозорининг нисбатан концентрациялашганлигини ифода этиб, сўнги чораклардаги кўрсаткичлар бозорда **рақобат даражасининг ортиб бораётганлигини** кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, ўтган йилнинг иккинчи ярмида банклараро пул бозори бўйича “Herfindahl-Hirshman” индексининг **тебранувчанлиги** бироз пасайиб, пул бозорида барқарор равишда “нисбатан концентрациялашув” даражаси сақланиб қолди.

---


<sup>1</sup> “Herfindahl-Hirshman” индекси – бозорда (тармоқда) концентрация даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, бозор иштирокчилари улушининг квадратлари йиғиндида кўринишида ҳисобланади. Кўрсаткич 0 дан 10 000 оралиғида бўлиб, 10 000 бир ташкилотнинг мутлақ бозорга эгаллигини (монополия) ифодаласа, қиймат 0 га яқинлашгани сари рақобатнинг кучайиб бориши кузатилади. Таҳлилчилар томонидан индекснинг 1 500-2 500 оралиқда бўлиши тизимнинг “нисбатан концентрациялашганлиги” ва 2 500 дан юқори бўлиши “юқори даражада концентрациялашганлиги” билдирилади.

## 2. Банк тизими ликвидлиги таҳлили

### 2.1. Умумий ликвидлик динамикаси ва омиллари

2023 йилнинг IV чораги бошида банк тизимида умумий ликвидлик профицити<sup>2</sup> қисқаришда давом этиб, ноябрь ойида **0,9 трлн.** сўмга тенг бўлди ва бу 2021 йилдан буён энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ, декабрда бюджет харажатларининг мавсумий ортиши ва муддати келган давлат қимматли қоғозларининг қайтарилиши ҳисобига умумий ликвидлик ҳажмида ўсиш кузатилди. Натижада, банк тизими умумий ликвидлигида декабрь ойида кунлик ўртача **5,7 трлн.** сўмлик профицит кузатилди (9-расм).

9-расм. Банк тизимидаги умумий ликвидлик ҳолати, трлн.сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилишда ликвидликни жалб этиш инструментларидан фаол фойдаланилди ва декабрь ойида ушбу операциялар умумий ликвидликка **5,5 трлн.** сўмлик камайтирувчи таъсир кўрсатди.

Мажбурий захиралашнинг ўртачалаш талаби чорак давомида ўртача **11-11,5 трлн.** сўм доирасида шаклланиб, банк тизимида тўловлар узлуксизлигининг таъминланиши ва ликвидлик нормативларининг бажарилишида етарли бўлди.

<sup>2</sup> Банк тизими умумий ликвидлиги ҳолати – тижорат банкларининг Марказий банкдаги миллий валютадаги вакиллик ҳисобварағи қолдиғи ва ўртачалаш ҳажми тафовутига банкларнинг пул-кредит операциялари бўйича соф позицияси (ликвидликни жалб этиш операциялари ва ликвидликни тақдим этиш операциялари соф қолдиғи) қўшилиши орқали ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати операциялари мавжуд бўлмаган вазиятда банк тизими умумий ликвидлик ҳажмининг аҳтимолий миқдорини кўрсатади.




**Муомаладаги нақд пуллар** билан боғлиқ операцияларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири мавсумий характерга эга бўлиб, IV чорақда муомаладаги нақд пуллар ҳажмининг қисқариши банк тизими ликвидлигининг **4,2 трлн. сўмга** ортишига хизмат қилди.


## 2.2. Ҳукумат операцияларининг банк тизими ликвидлигига таъсири

Жорий йилнинг IV чорағида ҳукумат операцияларининг банк тизими умумий ликвидлигига оширувчи таъсири **14,3 трлн. сўмга** тенг бўлди (10-расм).

10-расм. Ҳукумат операцияларининг ликвидликка таъсири, трлн.сўм



11-расм. ИМВ томонидан муомалага чиқарилган ДҚҚлар, трлн. сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Ҳукумат операцияларининг ушбу таъсири мавсумийлик характерига эга бўлиб, унинг таркибида:

1) **Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг (ЎТТЖ)** банк тизими ликвидлигига таъсири сезиларсиз (*0,6 трлн. сўмга оширувчи*) бўлиб, тижорат банкларига давлат дастурлари асосида кредит тақдим этиш учун илгари берилган кредитларнинг қайтган қисмидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади;

2) **Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** операцияларининг ликвидликка таъсири 2023 йилдаги ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилган қисқа муддатли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобига 1,2 трлн. сўмга камайтирувчи бўлди.

3) **Ягона ғазна ҳисобварағи** орқали амалга оширилган амалиётлар эса IV чорақда 14,9 трлн. сўмлик сўмлик оширувчи аҳамият касб этди. Бунда, бюджетнинг иш ҳақи, нафақа ва пенсия харажатлари билан бир

қаторда Ғазначиликнинг вақтинча бўш пул маблағлари тижорат банкларига аукцион асосида депозитларга жойлаштириб борилди.

Ҳукуматнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовут, асосан, чорак давомида жалб этилган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганлиги сабабли ички бозордан қарз жалб этиш зарурияти юзага келмади ва ноябрь-декабрь ойларида ДҚҚлар муомалага чиқарилмади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан IV чоракда (*октябрь ойида*) жами **1,6 трлн.** сўмлик давлат қимматли қоғозлари муомалага чиқарилди ва уларнинг қолдиғи 2024 йил 1 январь ҳолатига **15,7 трлн.** сўмни ташкил этди.

2024 йилнинг I чорагида, сўнгги йиллардаги мавсумий тенденциядан келиб чиқиб, ҳукумат харажатларининг мувозанатлашуви ва натижада банк тизими ликвидлигига оширувчи таъсири камайиши кутилмоқда. Бунда, январь-февраль ойларида харажатлар қисқариб, март ойдан харажатларнинг мавсумий ортиши кутилмоқда.

### **2.3. Марказий банкнинг қимматбаҳо металллар хариди ва валюта интервенциялари**

2023 йилнинг IV чорагида ташқи иқтисодий шароитлар ва геосиёсий зиддиятлар, доллар индексининг пасайиши ва етакчи марказий банклар томонидан фоиз ставкаларининг ўзгаришсиз сақланиб қолиши шароитида олтин нархида **кескин тебраниш** кузатилиб, 1 троя унция учун 1 800-2 100 АҚШ доллари доирасида шаклланди.

Натижада, Марказий банкнинг қимматбаҳо металллар хариди ушбу даврда **21,5 трлн.** сўмга тенг бўлди ва III чоракдаги кўрсаткичдан бироз ошди (*20 трлн. сўм*).

Марказий банк томонидан қимматбаҳо металллар хариди орқали чиқарилган ликвидлик “олтин-валюта захиралари нейтраллиги тамойили” асосида ички валюта бозорига интервенциялар орқали стерилизация қилиб борилди. Жумладан, Марказий банкнинг ички валюта бозорига соф интервенциялари **717 млн.** долларни (*8,7 трлн. сўм эквиваленти*) ташкил этди.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан харид қилинган валюта маблағлари бўйича берилган ликвидлик **келгуси чоракда** муомалага чиқиши ва ички валюта бозорида интервенциялар орқали стерилизация қилиниши кутилмоқда. Чорак давомида ички валюта бозорида талабнинг мувозанатлашиши ҳисобига интервенциялар орқали стерилизация қилиш имкони бўлмаган қўшимча ликвидлик Марказий банкнинг **ликвидликни жалб этиш операциялари** орқали тартибга солинди.


## 2.4. 2024 йил I чорак учун ликвидлик прогнози

2023 йил IV чорақда банк тизимидаги қўшимча ликвидлик ҳажми бироз ошган бўлиб, келгуси чорақда умумий ликвидликнинг мувозанатли шаклланиши, асосан, ҳукумат харажатлари ва ички валюта бозоридаги талаб даражасига боғлиқ бўлади. Бунда, умумий ликвидликда профицитнинг сақланиб қолиши кутилаётган бўлиб, уларни тартибга солишда Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларидан фаол фойдаланилади.

Шунингдек, ҳукумат операцияларининг ликвидликни оширувчи таъсирининг олдинги чорақларга нисбатан **мавсумий пасайиши** кутилаётган бўлиб, қўшимча харажатларни молиялаштиришда, асосан, мавжуд бўш пул маблағларидан фойдаланилиши ва ички бозорга давлат қимматли қоғозларининг муомалага чиқарилиши кутилмоқда (12-расм).

Келгуси чорақда ички валюта бозорига интервенцияларнинг **“олтин-валюта захиралари нейтраллиги”** тамойили асосида амалга оширилиши кутилмоқда. Бунда, Молия вазирлиги ва ЎТТЖ томонидан ишлатиладиган хорижий валюта маблағлари ҳам нейтраллик тамойили бажарилишини прогноз қилишда ҳисобга олинган.

12-расм. Банк тизими умумий ликвидлигининг 2024 йил I чорак учун омилар кесимидаги прогнози, трлн.сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Марказий банкнинг **қимматбаҳо металллар хариди** ҳам олтиннинг жорий **нарх динамикаси** ҳисобига IV чорақ кўрсаткичларига яқин бўлиши кутилмоқда. Нақд пул билан боғлиқ операциялар эса аксинча **нақд пулга бўлган талабнинг мавсумий қисқариши** ҳисобига умумий ликвидликни

оширувчи аҳамият касб этади (2021-2023 йиллар I чоракларида ўртача 3,8 трлн. сўмлик соф оширувчи таъсирга эга бўлган).

**Мажбурий захиралаш талаби** бажарилишининг умумий ликвидликка таъсири сезиларсиз бўлиб, депозитлар ҳажмининг ўсиб боришига мос равишда талабнинг ортиши ликвидликнинг кичик миқдорда камайишига сабаб бўлади.

Умуман олганда, 2024 йилнинг дастлабки чорагида банк тизими умумий ликвидлигининг мувозанатли шаклланиши кутилаётган бўлиб, **қисқа муддатли ликвидлик хатари** юзага келган шароитда Марказий банкнинг ликвидликни бошқаришга қаратилган **инструментлар тўплами** ушбу хатарларнинг салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда банк тизими барқарорлиги ва тўлов тизими узлуксизлигини таъминлаш учун етарли бўлиши кутилмоқда.


### 3. Ликвидликни тартибга солиш операциялари таҳлили

#### 3.1. Ликвидликни тақдим этиш операциялари


2023 йилнинг IV чорагида Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операцияларига бўлган талаб, тизимдаги умумий ликвидлик ҳолатига боғлиқ бўлди. Умумий ликвидликнинг тақсимланиши нотекис бўлганлиги ликвидлик тақдим этиш операцияларига бўлган талабнинг сақланиб қолишига ва ликвидлик профицитининг ортиши декабрда ликвидликни жалб этиш операцияларига талабнинг кўпайишига хизмат қилди.

Хусусан, кунлик ўртача овернайт РЕПО операциялари қолдиғи октябрь ойидаги 1,1 трлн. сўмдан декабрь ойида **1,5 трлн. сўмгача** ортган бўлса, овернайт своп операциялари ҳажми 562 млрд. сўмдан **164 млрд. сўмгача** қисқарди (13-расм).

13-расм. Марказий банкнинг пул-кредит операциялари, трлн.сўм



14-расм. Муомалага чиқарилган МБ облигациялари, трлн. сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Тижорат банклари овернайт РЕПО ва своп операцияларидан асосан ойнанинг сўнгги кунларида солиқ ва бож тўловлари ҳисобига қисқарган ликвидликни ошириш ҳамда ой давомида мажбурий захиралаш ўртачалаш талабини бажариш мақсадида фойдаланди.

#### 3.2. Ликвидликни жалб этиш операциялари

Банк тизими умумий ликвидлигининг ортиши фонидан пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш мақсадида декабрда Марказий банк облигациялари эмиссияси қайта тикланди ва пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкаларининг **фоиз коридори доирасида шаклланиши** таъминланди.

Ушбу даврда депозит аукционларининг кунлик ўртача қолдиғи **1,1 трлн.** сўмни ташкил этиб, жами ликвидликни жалб этиш операцияларидаги улуши **42,7 фоизни** ташкил этган бўлса, овернайт депозит операциялари 0,7 трлн. сўмга (улуши – 26,4%) тенг бўлди (13-расм).

Шунингдек, декабрь ойида жами **5 трлн.** сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилган бўлиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига уларнинг қолдиғи 4,7 трлн. сўмни ташкил этди (14-расм).

Келгуси чоракларда тизимли ликвидлик профицитининг сақланиб қолиши ва эҳтимолий ортиб бориши ҳолатида Марказий банк облигациялари эмиссияси мос равишда оширилади. Шу билан бирга, депозит аукционлари ва овернайт депозит операцияларидан ҳам фаол фойдаланган ҳолда мавжуд қўшимча ликвидликни самарали тартибга солиш орқали **пул бозори фоиз ставкаларини тўғри йўналтириш** асосий вазифалардан ҳисобланади.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024 йил

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.*

*Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:*

*E-mail: [achilov@cbu.uz](mailto:achilov@cbu.uz)*

*Тел.: (+998) 71 212-60-22*